

Ўн саккиз минг оламга сарвар бўлгон, Мухаммад,  
Ўттуз уч минг асхобга рахбар бўлгон, Мухаммад.

Ялонгочу очликка каноатлиг, Мухаммад,  
Осий, жофий умматга шафоатлиг, Мухаммад.

Тунлар ётиб уюмас, тиловатлиг, Мухаммад,  
Гариб бирла етимга мурувватлиг, Мухаммад.

Йўлдан озгон гумрохга хидоятлиг, Мухаммад,  
Мухим тушса хар кимга кифоятлиг, Мухаммад.

Бу Жахлу Бу Лахабга сиёсатлиг, Мухаммад,  
Маломатни(нг) собуни саломатлиг, Мухаммад.

Намоз, рўза килгувчи ибодатлиг, Мухаммад,  
Тинмай тасбих айтгувчи риёзатлиг, Мухаммад.

Малъун—лаин шайтонга сиёсатлиг, Мухаммад,  
Шариатни(нг) йўлига иноятлиг, Мухаммад.

Дуолари мустажоб ижобатлиг, Мухаммад,  
Ёмонликка — яхшилик кароматлиг, Мухаммад.

Тавфик берган золимга жалолатлиг, Мухаммад,  
Сажда килгон эгилиб итоатлиг, Мухаммад.

Аршу Курси бозори иноятлиг, Мухаммад,  
Сакиз беҳишт эгаси вилоятлиг, Мухаммад.

Мискин Ахмад кулига китобатлиг, Мухаммад,  
Етим, факир, гарибга саховатлиг, Мухаммад.

**Шарх:** Ўн саккиз минг оламга..

Аллох барча оламларга раҳмат қилиб юборган, оламлар йўлбошчиси, жамики асхоблар раҳбари ва раҳнамози ё Расули худо! Сизнинг фазлингиз бутун инсониятга татиғуликдир. Сиз сабру каноатда бемисл эдингиз. Уммат саодати йўлида қадсиз очлиғу ялангочликка сабр эдингиз. Рўзи қиёматда умматингиз гуноҳини Аллохдан сўрагувчи ягона зотсиз. Сиз тунларни бедор ўтказишда, тиловати Куръонда, гарибу етимларга шафқат қилишда ҳаммага ибратсиз. Дунё гумрохлар билан тўлиб тошган. Улар факат сизнинг йўлингизга эргашсаларгина хидоят топурлар. Хаётларига мазмун инар. Ё

Расулulloх (с.а.в.), сиз барча эhtiёжмандлар учун кифоятсиз. Ё Расулulloх, сиз хар кандай маломат, хасаду гийбатлардан юксаксиз, поксиз. Тарихда Абу Жахл, Абу Лахаб каби кофирлар сизни танимаганлари сабаб абадий нафрат ва маломатга гирифтор бўлмадиларми? Намоз ва рўзада, Аллохни ёд этишда сизга эргашганлар саодат топгайлар. Шайтони лаъин хийласига алданмаган инсон зоти йўк хисоби. Унинг додини бергувчи факат биргина зот борки, у сизсиз. Шариатни гўзал хулк ила еткарувчи, умматига шафкатли, хайрли дуолари билан мўъминларга бахт эшигини очган хам ўзингизсиз. Ёмонликка яхшилиқ билан жавоб бергувчи, золимга —да гўзал муомала килгувчи, ўзингизсиз ё Расулulloх! Аллохга чин итоати боис энг юксак мартаба эгасига айланган, киёмат кунида Арш соясига муяссар бўлгувчиларнинг энг иноятлиси (шафкатлиси), саккиз жаннат сохиби ё Расулulloх (с.а.в.). Етим, факир, гамгину гарибларга саховатпеша, Кул Ахмад каби бечорага рахмли Мухаммад алайхиссалом, сизга Аллохнинг саломи бўлсин!